



2021 yil « 15 » 06 114 - k - sonli

Toshkent shahri

**“Ўзагросуғурта” АЖ харид
комиссиясининг янги таркибини
тасдиқлаш тўғрисида**

1. “Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ “Ўзагросуғурта” АЖ Бошқарувининг 2020 йил 16 мартдаги 39-сонли буйруғи билан Жамият тизимида товарлар (ишлар, хизматлар)нинг харидларини амалга ошириш янги тизими жорий этилганлиги кўрсатиб ўтилсин.

2. Жамият Бошқарувида кадрлар таркибидаги айрим ўзгаргаришларни инобатга олиб, “Ўзагросуғурта” АЖ харид комиссияси куйидаги таркибда тасдиқлансин:

Б. Ахадов – Бошқарув раисининг ўринбосари, **Комиссия раиси;**

А. Жумаев – Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департаменти, **Комиссия раисининг ўринбосари;**

С. Сайдахмедов – Ички аудит хизмати бошлиғи, Комиссия аъзоси;

Д. Мустафаева – Инновация, стратегик ривожлантириш ва маркетинг департаменти директори, Комиссия аъзоси;

Б. Содиқов – Юридик департамент бошлиғи, Комиссия аъзоси;

К. Рахимов – Молия департаменти Иқтисодий таҳлил ва прогнозлаштириш бўлими менежери, Комиссия аъзоси;

Д. Шукуров – Ишларни бошқариш департаменти менежери, Комиссия аъзоси;

В. Хамиджонов – Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департаменти Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари билан ишлаш бўлими бош мутахассиси, **Комиссия котиби.**

Комиссия таркибидаги шахслар лавозимига кўра киритилганлиги ҳамда бошқа ишга ўтказилган ёки лавозимидан озод этилган тақдирда янги тайинланган ёки ваколати юклатилган шахслар белгиланиши кўрсатиб ўтилсин.

3. Жамият Бошқарувининг 2020 йил 16 мартдаги 39-сонли буйруғи 3-банди ҳамда 2020 йил 2 октябрдаги 120-сонли буйруғи 2021 йил 15 июндан эътиборан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Жамият Бошқарувининг 2020 йил 13 мартдаги 35-сонли буйруғи 3-банди биринчи хатбошиси куйидаги таҳрирда баён этилсин ва амалда қўлланилсин:

“Инновация, стратегик ривожлантириш ва маркетинг департаменти директори – Д. Мустафаева СМТ ишчи гуруҳи раҳбари ўринбосари этиб белгилансин”.

4. Мазкур буйруқ ижроси назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Асос: Бошқарув раиси биринчи ўринбосари М. Мирабзаловнинг 2021 йил 14 июндаги 01-10/421-сонли билдиришиномаси.

Бошқарув раиси

**С. Отамуратов**